


II. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2018 йилнинг январь-мартида 1307 та кичик бизнес субъектлари (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилиб (2017 йилнинг шу даврига нисбатан 102,1% кўпдир), уларнинг сони 26241 тага етди.

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг

иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

2018 йил январь-март ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



■ Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

■ Саноат

■ Савдо

■ Қурилиш

■ Бошқалар

Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 25,6%), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (16,4%), савдо соҳасида (20,1%) ва қурилишда (13,5%) ташкил этилган.

2018 йилнинг январь-мартида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

2018 йил январь-мартда ялпи худудий маҳсулотнинг 35,6% (2017 йил январь-мартда 44,2%) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1181,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 16,6%) ёки 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 105,9% ташкил қилди;

- 878,6 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 101,2 % (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 94,1 %) ташкил қилди;

- 590,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 50,6%) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 127,0% ташкил қилди;

- 407,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 82,8%) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 122,8% кўпайди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 111,0% (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 16,8%), йўловчи айланмасининг эса 116,7% (умумий йўловчи айланмасининг 8,4%) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,9% ёки 2387,4 млрд. сўм (ўсиш 101,1%) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равища 76,2% ёки 1407,6 млрд. сўми (ўсиш 104,1%) шакллантирилди;

- 64,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 26,1%) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 225,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 47,2%) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2018 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг
(фуқаролар мулки) улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	878,6	100
Саноат	1181,5	26,1
Курилиш	407,6	51,7
Чакана савдо	2387,4	76,6
Юк ташиш, <i>млн т</i>	5,9	10,1
Йўловчи ташиш, <i>млн.китни</i>	21,0	6,2
Экспорт, <i>млн. АҚШ долл.</i>	108,0	0,4
Импорт, <i>млн. АҚШ долл.</i>	142,8	2,0

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар,
хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг
ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

